

ТЕМУР-ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА

МЕЬМОРЧИЛИК ВА ҚУРИЛИШ.

**ЖДПИ тарих факультети тарих ва уни ўқитиши методикаси
кафедраси ўқитувчиси т.ф.н. доцент Миркомилов.Б.М
Mirkomilov2021@gmail.com**

Аннотация

Амир Темур ва Темурийлар даврида Ўрта осиёда фан адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида амалга оширилган улуғвор ишлар хақида сўз боради.

Калит сўзлар: Амир Темур, Темурийлар, тарих , илм -фан, санъат, меъморчилик, минятура.

Annotation

We are talking about the glorious work done in Central Asia in the field of science, literature, art and architecture during the reign of Amir Temur and the Temurids.

Keywords: Amir Temur, Temurids, history, science, art, architecture, miniature.

Аннотации

Речь идет о славной работе, проделанной в Средней Азии в области науки, литературы, искусства и архитектуры в период правления Амира Темура и Темуридов.

Ключевые слова: Амир Темур, Темуриды, история, наука, искусство, архитектура, миниатюра.

Темурийлар даврини баъзан темурийлар Ренессанси деб ҳам аташади. Ренессанс (Ўйғониш) – XIV-XVI асрларда Гарбий ва Марказий Европа мамлакатларининг маданий тараққиёти тарихидаги давр. Ўрта асрлар маданиятидан гуллаб-яшнаган, инсоннинг бекиёс имкониятларига, ақл-идроқи, иродаси, қобилиятларига ишонч руҳи билан суғорилган янги даврга ўтиш жараёни.

Чиндан ҳам Ўрта Осиё заминидаги илм-фан, шеърият, санъат ривожида атроф борлиққа нисбатан кучли қизиқиши акс этди. Шоирлар, муарриҳлар, тасаввуф йўналишидаги муаллифларнинг ижодида инсонпарварлик ғоялари яққол намоён бўлди.

Ўз соҳасида камолотта интилиш темурийлар даври хунармандчилигининг асосий хусусиятига айланди. Бу айниқса меъморчилиқда яққол намоён бўлди.

Темур учун унинг топшириғига кўра барпо этилган иншоотларнинг улуғворлиги сиёсий соҳадаги вазифалардан бири эди. У Оқсарой пештоқига битилган "Қудратимизни кўрмоқ истасанг - биноларимизга боқ!" деган ёзувда аниқ ифодасини топган. Самарқандда ва Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларида Темур даврида амалга оширилган қурилиш бекиёс қўлам касб этди. Буни биз авваламбор шаҳар қурилишида, истеҳқомлар барпо қилиш, шоҳ кўчаларни тартибга солиш ва бошқаларда гувоҳи бўламиз.

Темур ва темурийлар даврида шаҳарларнинг асосий қисми "Ҳисор" деб аталган ва бу атама ўрта асрларда мўғуллар давригача бўлган "шаҳристон" тушунчасидан фарқ қиласди. Зотан, ҳисор шаҳарнинг асосий қурилишлари ва савдо-хунармандчилик соҳаларини ўз ичига олган ёки умуман янги жойда вужудга келган, лекин барибир меъморий жиҳатдан ўзаро уйғун бўлган асосий маъмурий ва мафкуравий бўғинларни ўзида жамлаган. Катта-кичик шаҳарларнинг ҳисори ҳар хил, аммо аҳамияти ва вазифаси бир. Уларнинг шаклланишини Темур ва Улугбек фаолияти билан узвий боғлиқ бўлган иккита шаҳар - Шахрисабз ва Самарқанд мисолида гувоҳи бўламиз. Ўша кезлари қадимги номи Кеш билан кўпроқ машҳур бўлган Шахрисабз археологик қазишималарда аниқланишича, мусулмон ўрта асрларидан аввал вужудга келган, сўнгра неча бор юксалиб, неча бор завол топтан.[1. Масон М.Е., Путаченкова Г.А. Шахрисабз при Тимуре и Улугбека. Тр. САГУ, Ташкент, 1953.] Шу ерларда туғилиб ўсан Темур даврида унинг уруғига отамерос мулк бўлган Кеш шаҳар қурилиши жиҳатидан якуний қиёфасини топган. Ҳофизи Абронинг маълумотларига кўра, ҳисор девори қурилиши ҳижрий 780 (милодий 1378) йили бошланган ва бир йилда тугаган. Тўғри тўрт бурчак шаклдаги деворнинг тўрт томонида дарвозаси бўлган. Яна бир маълумотга қараганда, Темур Хиротни олганида шаҳарнинг темир қопланган дарвозалари Шахрисабзга келтириб ўрнатилган. Дарвозалардан бошланган иккита асосий йўл марказда кесишган. Йўл ёқасида жойлашган дўконлар марказга томон кўпайиб борган ва шаҳар марказида асосий бозор бўлган. Бозор ўртасида гумбазли Чорсу бўлгани эҳтимол, ҳозиргача сақланиб қолган Чорсу эса анча кейинроқ қурилган ва марказдан четроқда жойлашган. Ҳисорнинг жанубий-ғарбда Темурнинг ҳукумат саройи бўлган Оқсарой бунёд этилди, унинг қаршисида эса аслзодалар ва руҳонийларнинг маҳаллалари жойлашди. Шаҳарнинг жануби-ғарбий қисми хунармандлар ва шаҳар фуқароларининг маҳаллаларидан иборат эди. Ҳисор атрофидаги рабодлар эса каналлар бўйлаб ястанган боғ-роғлар, узумзорларга туташиб

кетган, кўзларни қувнатувчи бу ям-яшиллик эса Кешга - Шахрисабз номи беҳудага берилмаганини кўрсатади.

Бироқ салтанатнинг асосий сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази Самарқанд эди, уни безатишга Темур алоҳида аҳамият берган, шаҳар ҳисори ҳам шунга яраша эди. Темур муарриҳларидан бирининг ёзишича, Темур пойтахтни "бағоят хушманзара, жаннатмонанд ерда жойлашган Самарқандга кўчиради. Ажойиб даштлари, гўзал дараҳтзорлари, мафтункор иншоотлари, сўлим каналлари бўлган бу бекиёс шаҳар - салтанатнинг ноёб жавоҳири ва бошқа шаҳару қишлоқлар хавас қилгудек масканни давлатни бошқарув марказига айлантириб пойтахт қилди, қалъа ва ҳисор куришни, улуғвор иншоотлар ва тиллакор саройлар бунёд этишни буюрди".

Темур хузурига келган испан элчisi Руи Гонсалес де Клавихонинг "Кундаликлар"ида Самарқанд қиёфаси айниқса яққол акс этади:

"Самарканте шаҳри, - деб ёзади Клавихо, - текисликда жойлашган ва атрофи тупроқ кўтарма ҳамда жуда чуқур хандақ билан ўраб олинган. Шаҳар девор билан ўраб олинган ички қисми Севилья шаҳридан бир оз катта, шаҳар атрофида эса ҳар томондан ёндошиб келувчи турар жой бинолари кўп. Бутун шаҳар боғ-роғлар ва узумзорлар билан ўраб олингаи... Шаҳар боғлар кўйнида жойлашган. Бу боғлар ўртасида кўчалар ўтказилган, майдонлар бор, бу ерларда жуда кўп аҳоли яшайди, нон, гўшт ва кўплаб бошқа нарсалар сотилади. Шаҳарнинг орти нисбатан гавжумроқ. Шаҳар ташқарисидаги бу боғларда улкан ва машҳур бинолар кўп, Темурнинг ўзига қарашли саройлари ва асосий ертўла-омборлари бор. Ундан ташқари, бу боғларда нуфузли шаҳарликларнинг уйлари ва турли бинолари бор. Шаҳар теварагидаги бу боғ-роғлар ва узумзорлар шу қадар кўпки, гуё дараҳтлари баланд-баланд ўрмонга яқинлашиб келаётгандек бўлади, шаҳар эса унинг ўртасида жойлашган. Шаҳар орқали бу боғларга кўплаб суғориш каналлари ўтказилган... Шаҳар ташқарисида ётган бепоён текисликда йирик қишлоқлар кўп, уларга подшоҳ ўзи босиб олган бошқа ерлардан олиб келинган аҳолини жойлаштирган".[2. Де Клавихо Руи Гонсалес. Дневник путешествия а Самарканда ко двору Тимура (1403-1406). Пер. И. С. Мироковой, м., 1990, с. 138]

Самарқандга бориш, испан элчилари келган Шахрисабз йўлидан эмас, балки олис Тошкент йўлидан ва Зарафшон кўпригидан ўтиб, Кўҳак тепалиги орқали борилган. Бу ерда Зарафшоннинг беҳудуд манзаралари, унга ёндошиб келувчи водийлар ва йироқ-йироқларда юксак тоғлар занжири намоён бўлади. Кўҳак - ер остига кириб борувчи қоялар тизмасининг бир чўққисидир, унинг пойидан Самарқанднинг чекка қисмларидан бири бошланади.

Самарқанд ҳозирги даврда ҳам, кўп қаватли замонавий биноларига қарамай, хануз боғлар қўйнидадир. XV асрда -эса маҳаллалар боғлар ичига бурканган бўлган. Асосий қўчалар гумбазлар панасида қолган ёки устига чодир-соябон тортилган дўконилару устахоналарнинг узлуксиз қаторларидан билиниб турган. Ана шу умумий манзарада пойтахт шаҳарнинг асосий меъморий иншоотлари - бири-биридан улуғвор масжид, минора, Мадраса ва мақбараалар яққол кўринади. Йироқ-йироқларда эса қалъанинг қудратли деворлари кўзга ташланади.

Кўҳак тепасида мўъжазгина ва кўркам бир бино бор. Халқ орасида у чўпонларнинг пири ҳисобланувчи Чўпон отанинг мақбараси сифатида эъзозланади. Бу ерда чиндан ҳам қандайдир қабрлар топилган, лекин археологик маълумотларга кўра, улар бинонинг ўзидан "ёшроқ". Мақбаранинг меъморий жиҳатлари -тузилиши, қурилиши ва безаклари эса XV асрнинг 30-40-йилларига мансуб. Яъни, бу иншоот Улуғбек даврининг ёдгорлигидир. У мақбара сифатида қурилганми ё бошқа мақсаддами - номаълум. Чамаси, у олис-олислардан кўриниб турувчи ўзига хос бир маек, айниқса Улуғбек сингари овга ишкибоз ҳукмдорлар овдан қайтишида бир оз дам олиб шаҳар манзараларини томоша қиласиган шийпон бўлган. Кўҳак ёнбағирларида ўтлаб юрган подаларини шу ердан кузатиб ўтирувчи чўпонлар туфайли у кейинроқ, диний-меъморий аҳамият касб этди. Иншоотда ажойиб мутаносиблиқ, умумий шаклнинг нағислиги, безакларда сиполик кўринади, бу жой гўё шу иншоот учун белгилангандек.

Чунончи, X асрда ўтган араб географи Ибн Хавқал шундай деб ёzádi: "Сўғд пойтахи Самарқанд Сўғд дарёсидан жанубда ва ундан баландда жойлашган шаҳар. У қалъа, шаҳристон ва рабоддан иборат. Қалъада бизнинг давримизга келиб зиндон қурилган, ҳукмдорнинг ҳаробага айланган саройи ҳам шу ерда жойлашган. Мен унинг тепасига кўтарилиб, қачон бўлмасин инсон нигоҳи қурган ва уни хайратга соглан энг ажойиб манзарани - ям-яшил дарахтзорларни, ярқироқ қасрларни, тўлиб-тошиб оқаётган каналларни ва яшнаб турган маданиятни томоша қилдим. Қайси томонга қараманг, кўзларни қувонтирувчи бирон гўзалликни кўрасиз. Майдонлар ва шаҳар кўркига кўрк қўшган бинолар алоҳида ажralиб туради... Самарқандда йирик-йирик бозорлар, катта шаҳарларга хос бўлган қатор-қатор маҳаллалар, ҳаммомлар, карvonсаройлар, уйлар бор. Қисман қўрғошиндан қилинган каналдан тарқалувчи оқар сув шаҳарнинг барча қисмидан ўтади".

Тилга олинган бу канал - Арзис мўғул босқини пайтида вайрон қилинган ва аҳоли обиҳаётсиз қолган шаҳристонни ташлаб чиқиб кетган. Шу вақтдан бошлаб у ўрта асрларнинг гуллаб-яшнаган шаҳристони бўлмай, ҳароба шаҳарга айланган. Замонлар ўтгач, халқ уни кўхна тарихга эгалигини сезган

ҳолда Туруннинг афсонавий шоҳи-эронлик ва хурросонлик подшоҳлару қаҳрамонларнинг асосий рақиби бўлган Афросиёбнинг номи билан боғлади. XІУ - XV асрларда Афросиёб ҳаробаларининг айрим ерларида уй-жойсиз одамлар яшаган, қабристонлар пайдо бўлган. Жануби-шарқий ёнбағрида эса аста-секинлик билан Шоҳизинда номли улуғвор мақбаралар мажмуаси вужудга кела бошлади.

Бу вақтга келиб Самарқанд қиёфаси қуйидагича таркиб топганлигини гувоҳи бўламиз.” Илонизи девор майдон 500 гектарли Шаҳарни ўраб олган. Шаҳарда олтида дарвоза - шимолида Шайхзода ва Оханин, шарқида Феруза, жанубида Сузангарон ва Коризгоҳ, ғарбида Чорсу дарвозалари бор эди. Шаҳар маркази - Регистон майдонидан нур шаклида тарқалиб, бу дарвозаларга чўзилган асосий кўчалар ўқдай тўғри бўлмай, бурилишлари кўп, гоҳида йирик маҳаллаларнинг тарихан вужудга келган кўчалари билан тулашиб кетар эди.”[З. Масон М. Е. Самарқанд времени Улугбека, Звезда Востока, 1958, № 5.]

1404 йили Самарқандга қайтганидан кейин Темур шаҳарнинг асосий кўчаларини тубдан қайта куриб, тўғрилаш ва кенгайтиришга қарор қилди. У Шарқий Европа бўйлаб юришларида ғарб шаҳарларининг асосий кўчаларини қурганидан кейин шу фикрга келган бўлса ажаб эмас.

Бу қарор қай тариқа амалга оширилганини Клавихо шундай тасвирлайди: “Самарканте шаҳрида ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа жойлардан олиб келинувчи ва етарлича бой бўлган шу (Самарқанд) заминининг ўзида тайёрланувчи кўп (ва хилма-хил) товарлар сотилади. Бироқ шаҳарда савдо қилишга қулай бўлган маҳсус майдон йўқлиги сабабли Темур шаҳар бўйлаб икки томонида савдо қилиш учун дўкон ва чодирлар бўлган кўча ўтказишни буюрди. Бу кўча шаҳарни бир чеккасидан иккинчисига қадар кесиб ўтди. Темур бу ишни ўзининг мирзасига топширди ва агар кеча-кундуз ҳаракат қилиб ишлашмаса, бошлари кетишини айтади.Шу тариқа кўча ниҳоятда кенгайтирилди, икки томонига эса чодирлар қурилди, ҳар бир чодир олдига оппок тоштахталар қопланган баланд ўриндиқлар ўрнатилди. Барча чодирлар жуфт-жуфт қилиб бирлаштирилди, тепадан эса бутун кўча бошдан-оёқ ёпилиб, ёруғлик тушиб туриши учун дарчалар қолдирилди. Чодирлардаги ишлар тугаши биланоқ уларга савдогарлар юборилди ва улар хилма-хил молларини сотишга киришдилар. Кўчанинг айрим жойларига фавворалар қурилди. ... Йигирма кунга ҳам бормай, шунча кўп иш бажарилди, хайратланмай илож йўқ эди”.[Де Клавихо. Кўрсатилган асар, 134-ва кейинги саҳифалар.]

Темурнинг навбатдаги юришга отланиши, бошланган қурилиш ишларини тўхтаб қолишига сабаб бўлган. Умуман, Темур ва темурийлар

давлатида меъморчилик аввалги даврдан кўп нарса олгани ҳолда ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди.

Аниқ фанларнинг Улуғбек хомийлиги ва иштирокида кечган юксак тараққиёти меъморчилиқда ҳам яққол намоён бўлди. Бизгача сақланиб қолган ёдгорликлар (Шоҳизинда, Аҳмад Яссавий, Гўри Амир мақбаралари, Бибихоним масжиди, Улуғбек мадрасаси)ни ўрганиш шуни қўрсатдики, унинг олд томони ва ички қиёфаси режаларини тузишда меъморий шаклларнинг умумий уйғуналигини белгиловчи ҳандасавий тузилмаларнинг аниқ ўзаро нисбати бор экан.[Булатов М.А. Геометрическая гармонизация в архитектуре. Средней Азии. X-XV вв. М., 1978, с 137. сл.]

Темурийлар давридан аввал ҳам, кейин ҳам, умуман, ҳеч қачон Мовароуннаҳр ва Хурросон меъморчилигида меъморий безак бу қадар юксак даражага етишмаган эди.

Темур ва Улуғбек даврининг ҳашаматли меъморчилигида бинолар ичининг безаги ҳам бенихоя бой ва хилма-хил эди. Бу ўринда кошинлар ахён-ахёнда сахн ва меҳроб қопламасида ишлатилган холос. Девор ва шифт, ҳатто гумбаз ҳам нақш билан зийнатланган. Темур даври иншоотларида кўк ва зархал ранглар устун бўлган дабдабали нақш ҳукмрон эди, Улуғбек даврида эса ўша кезлари расм бўлган хитой чиннисига тақлидан оқ фондаги кўк нақш оммалашди.

Айрим ёдгорликлардаги битиклар бир қатор буюк меъморлар ва меъморий безак усталарининг номини бизгача сақлаб қолган, уларнинг нисбаси, яъни тугилган жойини қўрсатувчи тахаллуслари эса ниҳоятда улкан худудни қамраб олади.[Пугаченкова Г.А. Садова-парковое искусство Средней Азии в эпоху Тимура и тимуридов. Тр. САГУ. История. Новая серия. Вип. 23. ташкент, 1951, с. 125.] Чунончи, Туркистон (жанубий Қозогистон)да ҳижрий 800 йили (милодий 1387-88 йилларда) бунёд этилган Ҳожа Аҳмад Яссавий мақбарасининг бош меъмори Шамс Абдулваҳоб Шерозий бўлган, шерозлик яна бир уста Ҳожи Ҳасан эса унинг кошинкори безакларини бажарган. Бу ерда яна уста Изоиддин бин Тожиддин Исфахоний тайёрлаган шамдонлар, "бириң кўйиш муъжизаси" - Абдулазиз бин Шарофуддин Табризий қўйган улкан қозон сингари энг юксак бадиий сифатларга эга бўлган маросим буюмлари ҳам бор эди. Кўриниб турибдики, бу гўзал ёдгорликларнинг асосий ижодкорлари Эроннинг бош шаҳарларидан бўлиб, ҳукмдорнинг иродаси билан туғилган жойидан минглаб километр олисга олиб келинган усталар эди. Кошинкори нақш бўйича табризлик уста Муҳаммад Юсуф Темурнинг Шаҳрисабздаги саройи пештоқини безади (786/1385). Самарқанддаги Муҳаммад Султон хонақоси ва мадрасаси мажмуасининг (1404 йилгача куриб битирилган) бош пештоқида уста

(меъмор? кундунавис?) Муҳаммад ибн Махмуд Исфаҳонийнинг номи учрайди. Бухородаги Улугбек мадрасасида (830/1417) исфаҳонлик яна бир уста Исмоил ибн Тоҳирнинг номи сақланиб қолган. Ёғоч уймакори Юсуф Шерозий Самарқанддаги Шоҳизинда мажмуасида масжид эшигини нақш билан безаган (507/1404-1405).

Бироқ Темур ва Улугбек давридаги асосий иншоотларни бунёд этган кўплаб усталарнинг номи бизгача етиб келмади. Юқоридаги рўйхатда фақат эронлик усталарнинг номи учраганини тасодиф дейиш мумкин, холос. Ваҳоланки, улар бўм-бўш жойга келишмаганди. Самарқанддаги Шоҳизинда мажмуасининг айрим ёдгорликларида учрайдиган битиклар гувоҳлик беришига қараганда, Темур ғарбга юришларидан олдинги даврда бу заминнинг ўз меъморий мактаби ва безак усталари бўлган. Айрим усталарнинг номидаги нисбада Мовароуннаҳр шаҳарлари учрайди, бошқаларида эса бундай эмас, чунки улар самарқандлик усталардир, ўз шаҳрида шу ерда туғилганини кўрсатиш расм бўлмаган.

Айнан шу хол - маҳаллий ва бошқа жойдан келган усталарнинг ўзаро ижодий таъсири Темур даври меъморчилигида янги услубни вужудга келтиради, у эса буюк салтанатнинг барча чеккаларидан тўпланган усталарнинг билими ва ижодий салоҳиятини ўзида жамлади. Асирикдаги ҳаёт нечоғли машаққатли бўлмасин, меъморлар олдига кўйилган вазифаларнинг улуғлиги ва уларни амалга ошириш имконияти мавжудлиги ижодкор сифатида уларни илхомлантиrmай қолмасди.

Адабиётлар

1. Масон М.Е., Путаченкова Г.А. Шаҳрисабз при Тимуре и Улугбека. Тр. САГУ, Ташкент, 1953.
2. Де Клавихо Руи Гонсалес. Дневник путешествия а Самарканد ко двору Тимура (1403-1406). Пер. И. С. Мироковой, м., 1990, с. 138
3. Масон М. Е. Самарканد времени Улугбека, Звезда Востока, 1958, № 5.
4. Булатов М.А. Геометрическая гармонизация в архитектуре. Средней Азии. X-XV вв. М., 1978, с 137. сл.
5. Пугаченкова Г.А. Садова-парковое искусство Средней Азии в эпоху Тимура и тимуридов. Тр. САГУ. История. Новая серия. Вип. 23. ташкент, 1951, с. 125.